

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Тағ.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОҶИЕВ АНВАР АХМЕДОВИЧ

ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАРАКТЕРИ

07.00.01-Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Боқиев Анвар Ахмедович

Окс цивилизациясининг ижтимоий характери 3

Боқиев Анвар Ахмедович

Социальный характер цивилизации Окса..... 25

Bokiev Anvar Akhmedovich

The Social Character Civilization of Oxus 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.12.2019. Тағ.78.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОҶИЕВ АНВАР АХМЕДОВИЧ

ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ ХАРАКТЕРИ

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз-2021

Филсофа доктори (PhD) диссертацияси манзуги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ғағ601 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ictm.uz) ҳамда «Zivone1» Аxbорот-таълим портали (www.zivone1.uz) манзилларига жойлаштирилган

Илмин раҳбар: **Шайдуллаев Шанулат Батарович**
тарих фанлари доктори

Расмий олоппонентлар: **Алмева Нигора Ашировна**
тарих фанлари доктори, катта илмий ходим

Абдуллаев Утхир Исмаилович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/30 12 2019 Тағ 78 02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «05» кунли соат дақи мажлисида бўлиб ўтди (Манзил Термиз шаҳри Бархамол авлод кучаси, 43-уй ТерДУ, 2-бино 4-қават, Мажлислар зали) Тел: (99876) 223-13-11, e-mail: termizdu@yandex.uz

Диссертация билан Термиз давлат университети Аxbорот-ресурс марказида танишиш мумкин (ҒТ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил Термиз шаҳри, Бархамол авлод кучаси, 43-уй) Тел/факс: 03762217690

Диссертация автореферати 2021 йил «05» «21» кунли ғархатилди
(2021 йил «05» «21» дақи ҒТ рақамли реестр баённомаси).



С.Н. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раёни т.ф.д. профессор

Х.Э. Холмунилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раёни т.ф.д. доцент

Ш.Б. Шайдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раёни т.ф.д. илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихининг турли даврларида юзага келган цивилизацияларнинг давлатчилик ва жамият ривожига эришган ютуқларисиз бугунги дунёнинг бирор бир соҳасини тасаввур этиб бўлмайди. Глобаллашув ва интеграциялашув даврида жаҳон халқлари тарихида долзарб ҳисобланган илк давлатчилик ва илк шаҳарсозлик масалаларини янада самаралироқ даражада тадқиқ этишда цивилизациявий қарашнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Чунончи, қадимги Шарқда вужудга келган цивилизациялар тарихини ўрганишда унинг ривожланишидаги асосий тенденцияларни белгилаш лозим бўлади. Бу эса, мутахассислар томонидан бронза даврининг янги цивилизация ўчоғи сифатида эътироф этилаётган Окс цивилизацияси тараққиёт босқичларининг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий характерини объектив жиҳатдан очиқ беришда амалий жиҳатдан изланишлар олиб боришни талаб этади.

Марказий Осиё минтақасида, айниқса, унинг жанубий ҳудудларида бронза асрига оид бўлган ёдгорликларни ўрганиш ва уларнинг жаҳон цивилизациялари тарихида тутган ўрнини аниқлаш кўп жиҳатдан илмий тадқиқотларнинг нечоғлик даражада йўлга қўйилганлиги билан боғлиқдир. Негаки, Марказий Осиёнинг жанубий қисмларида олиб борилган илмий изланишлар, мазкур ҳудудда бронза асрига оид кўплаб ёдгорликлар борлигини кўрсатди. Қазималар натижасида йирик аҳоли пунктлари, қадимги шаҳар ва қўрғонлар, ибодатхоналар, ҳунармандчилик устахоналари ва бошқа қимматли ашёлар топилди. Уларни ўрганиш натижасида бронза асрида Марказий Осиёнинг жанубида қадимги маданият шаклланиши маълум бўлди. Кейинчалик бу маданият жаҳон олимлари томонидан Окс цивилизацияси сифатида эътироф этила бошланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳудуди бронза асридан бошлаб илк шаҳарсозлик маданияти ва юқори даражадаги ҳунармандчилик тараққий этган юрт ҳисобланади. «Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўраемиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради»¹. Шу боис аجدодларимиз меросини ҳар томонлама ўрганиш, илмий муомалага киритиш ҳамда келажак авлод тарбиясида ундан унумли фойдаланиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада «...кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш»² муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан [электрон ресурс]. <https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3864>.

² Юқоридаги манба: <https://www.prezident.uz/uz/lists/view/3864>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ва 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича «Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»” ги қарорлари, 2018 йил 18 январдаги Ф-5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармойишларида ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиёдаги бронза даври ёдгорликлари турли даврларда археологик маданият, археологик мажмуа ва цивилизация сифатида эътироф этилган. Шу нуқтаи назардан мавзунинг ўрганилишини тадқиқот хусусиятига кўра шартли равишда уч босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи босқичга Марказий Осиё бронза даври ёдгорликлари-археологик маданиятлар сифатида тадқиқ этилган адабиётлар қиради. Бу босқич XIX асрнинг охири-XX асрнинг 80-йилларини ўз ичига олиб, минтақадаги йирик ёдгорликларнинг топилиши ва локализация қилиниши билан характерланади. Бу даврда Р.Пампелли, Б.А.Куфтин, В.М.Массон, А.А.Аскарлов, И.Н.Хлопин ва В.И.Сарианидиларнинг тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш муҳим³.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларида бронза даврига оид Номозга, Сополли ва Даштли маданиятлари ўрганилди. Ҳудуддаги ёдгорликларнинг стратиграфияси ва меъморчилик анъаналари, қабрлар таснифи, моддий маданият ашёлари ва антропологик топилмалар таҳлилларига таянган ҳолда Окс цивилизациясининг ижтимоий

³ Pumpelly R. (ed.). Explorations in Turkestan; Expedition of 1904: Prehistoric Civilizations of Anau; Origins, Growth, and Influence of Environment. – Carnegie institution of Washington, 1908; Pumpelly R. Ancient anau and the oasis-world. // Explorations in Turkestan, expedition of. – 1904; Куфтин Б.А. Работы ЮТАКЭ в 1952 г. по изучению культур Анау. – ИАН ТуркмССР, 1954, № I.; Массон В.М. Алтын-депе. / АН ТуркмССР. – Л., Наука, 1981; Хлопин И.Н. Эпоха бронзы Юго-Западного Туркменистана. – СПб., Петербургское Востоковедение, 2002; Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., Фан, 1977; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993; Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., 1977.

характерини очиб бериш билан боғлиқ дастлабки тадқиқотлар амалга оширилди⁴.

Иккинчи босқичга Марказий Осиё бронза даври ёдгорликлари-Бактрия-Марғиёна археологик комплекси (БМАК) сифатида ёритилган адабиётлар кирди. Улар каторига В.И.Сарианиди, А.П.Франкфор, Е.В.Антонова, Н.А.Дубова, Т.Ш.Ширинов, Н.А.Аванесова, Х.Бендезу-Сармиенто, Л.Б.Кирчо, Н.М.Виноградова, Б.Лионе, Ж.Люилье, С.Салватори ва бошқаларнинг тадқиқотларини қайд этиб ўтиб ўтиш жоиз⁵. Бундан ташқари С.Турсунов, Э.Қобулов ҳамда А.Тўхтаев каби Сурхондарё олимларининг илмий тадқиқотларида ҳам Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидаги Окс цивилизацияси даври ёдгорликлари ҳақида бир қатор муҳим маълумотлар келтириб ўтилган⁶. Юқорида эслаб ўтилган, Жанубий Туркменистондаги Номозга, Шимолий Афғонистондаги Даштли, Жанубий Ўзбекистон ва Жанубий Тожикистондаги Сополли маданиятининг ўрганилиши Марказий Осиё археологияси фанидаги энг катта кашфиётлардан бири бўлиб, Амударёнинг юқори оқими ҳавзаси бронза даври тўғрисида жуда катта илмий маълумотлар тўпланди⁷. В.И.Сарианиди 1976 йилдан бошлаб чоп қилган мақола ва китобларида бу маданиятларни умумлашган ном билан-Бактрия-Марғиёна археологик комплекси (БМАК) деб атади ва бу атама кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинди⁸. Иккинчи босқич муаллифларининг аксарияти XX аср 70-йиллари ўрталари-XXI аср бошларида Марказий Осиёнинг энеолит, бронза даври ва темир асри ёдгорликларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борган.

⁴ Массон В.М. Алтын-депе. / АН ТуркмССР. – Л., Наука, 1981; Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., Фан, 1977; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., 1977.

⁵ Сарианиди В.И. Маргүш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашхабад, 2002; Франкфор А.П. Цивилизация БМАК и местонахождение Мархапи около 2300-1800 гг. до н.э. / Древняя Маргиана-новый центр мировой цивилизации. Материалы Международной научной конференции, 14-16 ноября, 2006 года. Мари. – 2006; Антонова Е.В. К проблеме формирования бактрийско-маргианского археологического комплекса. // КСИА. – 2009. – №. 223.; Дубова Н.А., Куфтерин В.В. Антропология населения Южного Узбекистана эпохи поздней бронзы (по материалам некрополя Бустон VI). М.: Старый сад, 2015; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993; Аванесова Н.А. Бустон VI-некрополь огнепоклонников доурбанистической Бактрии. – Самарканд, 2013; Bendezu-Sarmiento J. Funerary rituals and archaeoethnological data from BMAC graves at Ulug Depe (Turkmenistan) and Dzharkutan (Uzbekistan). // The World of the Oxus Civilization. – 2020; Кирчо Л.Б. Формирование древнейшего протогородского центра бронзового века Средней Азии (процессы культурной и технико-технологической трансформации): дис. – автореф. дис. ... д-ра ист. наук, 2009; Виноградова Н.М., Кутимов Ю.Г. Погребальные памятники эпохи бронзы в Южном Таджикистане (могильники Гелота и Дарнайчи). / Институт востоковедения РАН; Институт истории материальной культуры РАН. – М., Институт востоковедения РАН, 2018; Lyonnet V. Another possible interpretation of the Bactro-Margiana culture (BMAC) of Central Asia: the tin trade. // South Asian Archaeology 2001. – 2005. – Т. 1.; Lhuillier J. Le phénomène des «cultures à céramique modelée peinte» en Asie centrale dans l'évolution et la transformation des sociétés de la fin de l'âge du Bronze et du début de l'âge du Fer (Pe-Ier millénaire avant n. è.). Une synthèse comparative et régionale de la culture matérielle: dis.-Université Panthéon-Sorbonne-Paris I, 2010; Salvatori S. Bactria-Margiana Archaeological Complex: how terminology hides historical processes. // Trudy Margianskoj Arkheologicheskoy Ekspeditsii. – 2016. – Т. 6.

⁶ Турсунов С.Н., Қобилов Э. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Т.: Шарқ, 2001; Турсунов С.Н., Қобилов Э. ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. – Т.: Шарқ, 2004; Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. / С.Н. Турсунов ва бошқ. – Т.: «Muharrir», 2013; Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти топонимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008; Ўзбекистон жанубий ҳудудларида маданият ва амалий санъат ёдгорликлари тарихи. / С.Н. Турсунов ва бошқ. – Термиз: «Сурхон-Навр», 2017.

⁷ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА. – 73, – Л., 1959; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., 1977; Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. – Т., 1977.

⁸ Сарианиди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. – М., 2001; Кузьмина Е.Е. Откуда пришли Индоарины? – М., 1994.

Учинчи босқич адабиётларига Марказий Осиё бронза даври ёдгорликлари-Окс цивилизациясини ўрганишга бағишланган асарлар киритилди. XX асрнинг 90-йиллари ўрганишдан бошлаб бронза даврида Марказий Осиёнинг жануби, Шимолий Эрон ва Афғонистон ҳудудларидаги БМАК негизида алоҳида цивилизация ўчоғи шаклланиши тўғрисидаги хулосалар эълон қилинди. Турли адабиётларда бу цивилизация ўчоғи Окс цивилизацияси, Турон, Марказий Осиё, Жанубий Ўзбекистон, Бактрия, Окс-Амударё, Марғиёна, Амударё ва Буюк Хуросон цивилизацияси номлари билан аталди. Ушбу тадқиқот ва адабиётлар қаторига К.Ламберг-Карловски, А.П.Франкфор, П.Амье, Е.В.Антонова, Н.А.Дубова, Х.Бендесу-Сармиенто, Ж.Люилье, Э.Люно, М.Видале, Б.Лионе, С.Салватори, М.Тоси, Ф.Хиберт, К.Каниут, Д.Т.Поттс, А.А.Ваҳдати, Ф.Колл, М.Тойфер, Н.М. Виноградова ва яна бошқа бир қатор муаллифларнинг асарларини киритиш мумкин⁹.

Кенг қамровли адабиётларнинг тахлили Окс цивилизациясининг ижтимоий характерини тўлақонли очиб беришга хизмат қилувчи диссертацион тадқиқот амалга оширишини тақозо этди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АТД-1 «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар» (2015-2021 йй.) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Окс цивилизацияси ривожланиш босқичларини ва ижтимоий характерини ёзма ва археологик манбалар асосида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Окс цивилизацияси тушунчасини Ўзбекистон тарихи фанига олиб кириш, унинг шаклланиши, тарқалиши, етилиши, таназзули ва инкирози босқичларини аниқлаш;

⁹ Lamberg-Karlovsky C.C. The Oxus Civilization: the Bronze Age of Central Asia. *Antiquity*, Volume 68, Issue 259, June 1994; Lamberg-Karlovsky C.C. The Oxus Civilization / La Civilización del Oxus. *CuPAUAM* 39, 2013; Francfort H.-P., Tremblay X., 2010. – Marhaši et la civilization de l'Oxus. // *Iranica Antiqua*. Vol. XLV.; Amiet P. Elam and Baktria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. Roma-Venezia, 1989; Антонова Е.В. Заметки об одной из культур эпохи бронзы-«цивилизации Окса». – Российские востоковеды в память о М.С.Капице. – М., 2001; Lyonnet B., Dubova N. A. (ed.). The World of the Oxus Civilization. - Routledge, 2020; Sarmiento J.B., Lhuillier J. La fin de la civilisation de l'Oxus en Ouzbékistan et au Turkménistan. Transition ou collapse des sociétés entre les âges du Bronze et du Fer en Asie centrale? // *Archéologie & Grande Transition*. – 2019; Luneau E. La fin de la civilisation de l'Oxus: Transformations et recompositions des sociétés de l'âge du bronze final en Asie centrale méridionale (1800-1500/1400 avant n.è.). – P., De Boccard, 2015; Vidale M. Treasures from the Oxus: The Art and Civilization of Central Asia. Bloomsbury Publishing, (21 juin 2017), 240 pages; Salvatori S. Cultural variability in the Bronze Age Oxus civilisation and its relations with the surrounding regions of Central Asia and Iran. // *The Bronze Age and Early Iron Age in the Margiana Lowlands: Facts and Methodological Proposals for a Redefinition of the Research Strategies*. – 2008; Hiebert F.T. Production evidence for the origins of the Oxus Civilization. // *Antiquity*, 68, 1994; Kaniuth K., Teufer M. Zur Sequenz des Gräberfeldes von Rannij Tulchar und seiner Bedeutung für die Chronologie des spätbronzezeitlichen Baktrien. // *AMIT*. Band 33. – Berlin, 2001; Kohl P. L. Origins of the Bronze Age Civilization in Central Asia. // *American Antiquity*. – 1996. – T. 61. – №. 3.; Potts D. Puzur-Inšušinak and the Oxus Civilization (BMAC): Reflections on Šimaški and the geo-political landscape of Iran and Central Asia in the Ur III period. // *Zeitschrift für Assyriologie und Vorderasiatische Archäologie*. Volume 98: Issue 2, 15 Dec 2008; Vahdati A.A., Meier D.P. Objects of the 'Oxus-civilization' and of the 'Jiroft culture' from the Mofakham museum (Bojnord, North Khorasan Province). // *Tales of three worlds archaeology and beyond: Asia, Italy, Africa*. Archaeopress, Oxford, A tribute to Sandro Salvatori. – 2020; Teufer M. Der Bakto-Margianische Archäologische Komplex und die Oxus-Zivilisation: Margiana. // *Ein Königreich der Bronzezeit in Turkmenistan [Ausstellungskatalog]*. Petersberg. – 2018; Vinogradova N.M. The formation of the Oxus Civilization. / *BMAC in southwestern Tajikistan*. // *The World of the Oxus Civilization*. – Routledge, 2020.

Окс цивилизацияси мисолида Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларида бронза даврида тарқалган маданиятларга (Сополли, Номозга, Даштли) нисбатан цивилизация нуқтаи назаридан қараш тушунчасини шакллантириш;

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалаларига цивилизациявий қарашларни олиб кириш;

Моддий манбалар асосида Окс цивилизациясининг ижтимоий характерини очиб бериш;

Окс цивилизацияси ёдгорликларида ўрганилган моддий манбалар асосида унинг маҳаллий илдизлари ва миграция жараёнларининг ўрнини ёритиб бериш;

Янги археологик манбалар асосида Марказий Осиёда илк пиктографик ёзув тизимининг шаклланиши масаласини илмий муомалага киритиш ва ашёларга асосланган ёзув тизимининг мавжудлигини таҳлил қилиш;

Окс цивилизацияси моддий манбаларида аниқланган пиктографик ёзув тизимини Қадимги Шарқ маданиятлари марказлари ёзувлари билан таққослаш.

Тадқиқотнинг объектини илк шаҳар маданияти ва цивилизациялар шаклланган археологик ёдгорликлар, жумладан Жарқўтон, Сополлитепа, Даштли, Гонур, Тўғолоқ, Олтинтепа, Шаҳдод ва шу каби ёдгорликлар тадқиқотларига бағишланган илмий адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Марказий Осиё, қолаверса Ўзбекистон тарихида ибтидоий тарих ва цивилизация ўртасидаги чегара, илк цивилизацияларнинг шаклланиши муаммолари таҳлили ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда Окс цивилизациясига бағишланган маълумотларни тизимлаштириш, тарихий-қийсий ва танқидий таҳлил, тарихий манбалар ва маълумотларни умумлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда археологик, хронологик, этнографик, сулолавий, формацион ҳамда цивилизациявий ёндашувлар таққосланиб, ижтимоий ва моддий ҳаётнинг эволюцион тараққиётини кўрсатувчи, ушбу жараёнларда халқ оммасининг тутган ўрнини яққол очиб берадиган цивилизациявий усулнинг мақбуллиги асосланган;

Окс цивилизациясининг ижтимоий ва моддий белгилари аниқланиб, унинг Қадимги Шарқ цивилизацияларидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари, жумладан меъморчиликда йирик ғиштлардан уйлар, сарой ҳамда ибодатхоналар бунёд этилганлиги, фортификацияда уч қаторли мудофаа деворларининг лабиринт тизимда қурилганлиги (Сополлитепа, Даштли), гипс, тупроқ ва сомон қоришмасидан пол ясаш ва деворларни суваш анъанасининг кузатилганлиги, тақинчоқлар ясашда техник жиҳатдан кескин фарқ қилувчи усуллар ҳамда жинсий дифференция, майитларга муносабатдаги доимий инновацияларнинг қабул қилинганлиги очиб берилган;

Окс цивилизациясининг тадрижий таракқиётида маҳаллий илдишлар ва миграцияларнинг катта роль ўйнаганлиги, милoddан аввалги III минг йиллик охири-II минг йиллик давомида Мурғоб, Сурхон, Даштли, Вахш ҳамда Кафирнихон воҳаларининг ўзлаштирилганлиги ва бу аҳолининг ўзига хос юқори моддий маданият яратганликлари, Месопотамия ва Ҳиндистон билан яқин маданий алоқада бўлганликлари, Жанубий Туркменистоннинг Олтинтепа ва бошқа бир қатор ёдгорликларида Окс цивилизациясининг маҳаллий илдишлари вужудга келганлиги далилланган;

Окс цивилизацияси аҳолиси ўртасида милoddан аввалги 1600-1500 йиллардан бошлаб ашөвий ёзувнинг кенг тарқалганлиги, Шимолий Афғонистоннинг Даштли, Жанубий Туркменистоннинг Ахалтекин ва Мурғоб воҳасидаги Намозгоҳ VI даври ва Жанубий Ўзбекистоннинг Сополлитепа (29 та белги), Жарқўтон (52 та белги), Арабулоқ, Тиллабулоқ ҳамда Ғоз ёдгорликларида аниқланган пиктографик белгилар асосида Марказий Осиёда ёзувнинг бронза даврида шаклланганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Марказий Осиёда мил. авв. III минг йилликнинг охири-II минг йилликнинг ўрталаригача Окс цивилизацияси мавжуд бўлганлиги кўрсатиб берилган бўлиб, бугунги кунда ёшлар онгини ватанпарварлик, тарихий кадриятларни эъзозлаш туйғулари билан шакллантириш ва миллий ўзлигининг ўсишига йўналтирилган;

2018-2019 ўқув йилидан буён «Окс цивилизацияси» номли талаба танлов фанининг Термиз давлат университети тарих таълим йўналишида ўқитилиши йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган қазилмалар жараёнида аниқланган археологик топилмалар таҳлили, тарихий манбаларга асослангани, шунингдек, диссертация мавзуси бўйича асосий натижалар республика ва хорижий илмий нашрларда, конференцияларда кенг муҳокама қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп жилдли «Ўзбекистон тарихи»нинг сўнгги бронза ва илк темир асри даври тарихини ёзиш, айнан ушбу даврда яшаган жамоаларнинг моддий маданиятини ёритиш, ўзбек халқи тарихи, археологияси ва этнографиясига оид ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш, барча олий ўқув юртлари ва малака ошириш курсларида семинарлар ташкил этиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация қадимги даврлар тарихи, палеоэкологияси, палеографияси ва этнографияси тадқиқотлари учун амалий тажриба вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, ижтимоий-гуманитар йўналишлар учун таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оқс цивилизацияси ижтимоий характери мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот иши асосида:

Оқс цивилизациясининг моддий ва ижтимоий белгилари аниқланиб, унинг Қадимги Шарқ цивилизацияларидан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатлари қиёсий таҳлил қилиш асносида қўлга киритилган маълумотлар Сурхондарёнинг туристик объектлари бўйича тайёрланган тарғибот материалларини янги маълумотлар билан бойитиб боришда ҳамда янги тадқиқотлар натижаларига бағишланган илмий кўрсатувларни ёритишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 4 сентябрдаги 05-16/4084-сон маълумотномаси). Натижада, Ўрта Осиё минтақасининг жанубий ҳудудларида бронза даври жамоаларининг миграцияси, ўтроқ турмуш тарзи, хўжалик ҳаёти, пиктографик белгилар ҳақидаги маълумотлар таҳлили бронза даврида минтақа аҳолиси ҳаётида қўлланилган қадимги ёзув тўғрисида томошабинларда қўшимча маълумотлар ўзлаштирилишига хизмат қилган;

Ўзбекистон тарихида бронза даври маданиятларига илк цивилизациялашув жараёнлари кечган давр сифатида ва археология фанида Сополли, Намозгоҳ, Даштли каби номлар билан аталаётган маданиятларга нисбатан цивилизация нуқтаи назардан қараш тушунчалари бўйича берилган маълумотлардан «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг «Мавзу» ва «Тақдимот» кўрсатувларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон телерадиоканали» ДУКнинг 2021 йил 30 апрелдаги 02-40-660-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувлар кенг жамоатчилик ўртасида Ўрта Осиёнинг стратегик жиҳатдан қулай ўрнини ишғол этган Ўзбекистон ҳудудларида илк шаҳар-давлатлар вужудга келишининг тарихий омиллари, Оқс цивилизациясининг шаклланиши, таракқиёт босқичлари ҳамда инкирозга юз тутиши сабабларини кенгрок тушунишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 11 та, жумладан, 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та иш эълон қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган республика илмий журналларида 6 та ва хорижий журналларда 6 та мақола, хорижий анжуманларда 6 та, республика илмий анжуманлари илмий тўпламларида 5 та мақола ҳамда 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг умумий ҳажми. Тадқиқот кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда қисқартмалар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «Ўзбекистон тарихини ўрганишда цивилизациявий қарашларнинг шаклланиши» деб аталади ва икки параграфдан иборат. Биринчи параграфда Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда цивилизациявий қарашлар ёритилган.

Маълумки, тарихни даврлаштиришнинг турли хил усуллари мавжуд бўлиб, булар археологик, хронологик, сулолавий, формацион ва албатта, цивилизациявий ёндашишлардир. Марказий Осиё халқлари тарихини даврлаштиришда В.В.Бартольд¹⁰, В.В.Струве¹¹ ва С.П.Толстовнинг хизматларини ҳам эслаб ўтиш керак¹². Марказий Осиё республикаларининг қадимги даврлари тарихини даврлаштириш масаласи 1948 йилда Ленинградда ўтказилган пленум¹³ ва 1954 йилда Тошкентда бўлиб ўтган сессияда атрофлича муҳокама этилган¹⁴. Совет ҳокимияти даври тарих фанида кишилиқ жамияти тарихини бешта ижтимоий-иқтисодий формацияга бўлиб ўрганиш анъанага айланган¹⁵.

Фикримизча, тарихни даврлаштиришнинг энг мақбул вариантларидан бири унга цивилизациявий ёндашишдир. Цивилизациявий ёндашиш, яъни урбанизация йўналиши бўйича жаҳон тарихида ниҳоятда катта ишлар қилинмоқда. Таниқли археолог ва урбанист олим К.Ренфрью цивилизацияга илмий таъриф бериб, жамиятнинг маданий ривожланган босқичи бўлиб, жамият синфий табақалашган ва давлатчилик шаклланган бўлиши керак деб ҳисоблайди¹⁶.

XX асрнинг 50-йилларида Г.Чайлд Қадимги Шарқ ва Европа цивилизацияларининг хусусиятларини очиқ берди¹⁷.

Бир қатор урбанист олимлар, жумладан Р.Мак Адамс¹⁸, В.Фейрсервис¹⁹ ва К.Фланнерлар²⁰ Қадимги Шарқ цивилизациясининг хусусиятларини,

¹⁰ Бартольд В.В. История культурной жизни Туркистана. – Л., 1927. – С.3.

¹¹ Струве В.В. Проблемы зарождения, развития и упадка рабовладельческих обществ древнего Востока. // «Известия ГАИМК». Вып. 77. – М.- Л., 1934. – С. 23-34.

¹² Толстов С.П. Основные вопросы древнейшей истории Средней Азии. // ВДИ, № 1. – М., 1938. – С. 3-21.

¹³ Материалы Пленума Института истории материальной культуры имени Н.Я. Марра Академии наук СССР, посвященный археологии Средней Азии (март 1948 г.). // КСИИМКА, XXVIII. 1948. – С. 8-28.

¹⁴ Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. – Ташкент, АН СССР, 1955. – 591 с.

¹⁵ История Узбекской ССР. Том 1. – Т., 1967. – С.15.

¹⁶ Renfrew C. The emergence of civilization: The Cyclades and the Aegean in the third millennium B.C. – London, 1972. – P. 213.

¹⁷ Чайлд Г.У истоков европейской цивилизации. ИИЛ. – М., 1952; Childe V.G. The urban revolution. // Town planning Review. Vol. 21. 1950. – P. 9-16; Чайлд Г. Древнейший Восток в свете новых раскопок. ИИЛ. – М., 1956.

инсоният тарихининг маданий ривожланишидаги ўрнини, бошқа цивилизацияларнинг тараққиётидаги ролларини ўргандилар.

Жамият тараққиётида цивилизациявий қарашларнинг шаклланиши ва такомиллашуви жараёнини ўрганишда инглиз олими А.Тойнбининг ҳиссаси катта эканлигини эътироф этиш керак²¹. У ер юзида инсоният 26 та цивилизацияни бошидан ўтказганлигини таъкидлайди²² ва Қадимги Шарқнинг бешта ўчоғини тугалланган деб ҳисобламайди.

Таъкидлаш жоизки, тарихни даврлаштиришда цивилизациявий ёндашиш масаласи бўйича Ўзбекистон тарихида ҳам маълум бир ишлар қилинган. Бажарилган ишлар олинган бир давр ёки тарихий ҳудудлар бўйича амалга оширилган. Ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм археологик экспедицияси «Қадимги Хоразм цивилизацияси» ғоясини кўтариб чиқди. Қадимги Хоразм халқининг яратган бой моддий маданияти ва Марказий Осиё халқлари тарихида тутган ўрнини кўрсатиб берди²³.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ўрта асрлар даврида Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон халқларининг маданий, илмий ҳаётида тутган ўрнини инобатга олиб, жаҳон тарихида «мусулмон ренессанси даври» ғояси пайдо бўлди²⁴. Бунда Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Қашғарий, Аҳмад Юғнакий, Имом ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарий ва Аҳмад Яссавий каби ўнлаб алломаларнинг умуминсоният тараққиётига қўшган тарихий ҳиссалари ёритилди, жаҳон халқи ва олимлари томонидан эътироф этилди.

Мустақиллик туфайли Амир Темур ва темурийлар даври тарихига муносабат ўзгарди. Улар даврида яратилган техник тараққиёт ва моддий маданиятга, давлатчилик бошқаруви тарихида, айниқса меъморчиликда қилинган янгиликларга нисбатан «Темурийлар даври цивилизацияси» ёки «Самарқанд цивилизацияси» ибораси қўлланила бошланди.

Қадимги тарих ҳамда илк цивилизациялар борасида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Академик А.А.Асқаров кишилик тарихи ўз тараққиёт йўлида 5 марта йирик цивилизацияни бошидан кечирган деб ҳисоблайди: 1. Қадимги Шарқ тамаддуни; 2. Антик давр тамаддуни; 3.

¹⁸ Adams R.Mc. History patterns of Mesopotamian irrigation agriculture. // *Irrigation's impact on Society*. – Tucson, 1974. – P. 345-357.

¹⁹ Servis E.R. Primitive social organisation. An evolutionary perspective. – New York, 1971. – P. 68-73.

²⁰ Flannery K.V. The cultural of civilization. // *Annual Review of Ecology and Systematics*, 1972. – № 3. – P. 21-34.

²¹ Арнольд Жозеф Тойнби-Британия фанлар академиясининг аъзоси, Оксфорд, Лондон, Бирмингем, Принстон университетларининг профессори, Қиролича халқаро муносабатлар институтининг директори. Ўн томлик «Тарихий тадқиқотлар», «A Study of History» асарининг муаллифи.

²² Тойнби А.Ж. Постигание истории. – М., Прогресс, 1991. – 736 с.; Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество; [Общ. ред., сост. и предисл., с. 5-24, А.Ю. Согомонова]. – М., Политиздат, 1992. – 542 с.

²³ Толстов С.П. Древний Хорезм. – М., 1948. – С. 341; Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // *Труды ХАЭЭ*. Т.2. – М., 1958. – С. 149-168.

²⁴ Мец А. Мусульманский ренессанс. / Перевод с немецкого Д.Е. Бертельса. – М., Наука, 1966; Мец А. Мусульманский Ренессанс. Изд.2-е. Перевод с немецкого Д.Е.Бертельса. – М., Наука, 1973. – 473 с.

Мовароуннахр ва Хуросон тамаддуни; 4. XIV-XV аср бошларида Европа ва Осиёнинг умум уйғониш даври тамаддуни; 5. XX аср тамаддуни²⁵.

Марказий Осиёнинг жанубий худудларида илк цивилизациялар, давлатлар ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши жараёнларини ўрганишда Т.Ш.Ширинов, А.С.Сагдуллаев ва Ш.Б.Шайдуллаевларнинг илмий-тадқиқотлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди²⁶.

Бу масалада 2001 йилда чоп этилган «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар» китобида академик Э.В.Ртвеладзе Ўзбекистон худудидаги қадимги давлатларни бошқарилиш усулига қараб қуйидаги типларга бўлган: 1. Подшоҳлик, бошқарув усули-мутлақ монархия; 2. Конфедератив подшоҳлик, бошқарув усули-чегараланган монархия; 3. Ер эгаллиги бошқарув усули-авлоддан авлодга ўтувчи шоҳлик²⁷.

А.С.Сагдуллаев ва Э.В.Ртвеладзе каби қадимшунос олимлар Ўзбекистон худудида давлатчилик тарихи сўнгги бронза давридан бошланади ва мил.ав. II минг йилликнинг иккинчи ярмида давлатчиликнинг илк куртаклари пайдо бўлган деб ҳисоблайди.

Бронза ва илк темир даври бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган бошқа тадқиқотчилар, жумладан А.А.Асқаров ва Т.Ш.Ширинов Жарқўтонда илк давлатчиликнинг «Чифдом», «Митти давлат» (карликовое государство), «ном» типидagi шаҳар-давлатлар каби кўринишлари бўлган деган хулосага келишган²⁸.

А.А.Асқаров Ўзбекистон тарихини даврлаштиришнинг янги концепциясини таклиф этди²⁹. Академик Э.В.Ртвеладзе Ўзбекистон давлатчилиги тарихини хронологик даврлаштирди³⁰. Профессор Б.Ж.Эшов ҳам 2011 йилдаги тадқиқотларининг бирида бу масалага тўхталиб, Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда ўз вариантини таклиф этди³¹.

Маълумки, шаҳарлар илк синфий жамият даврида, яъни давлатлар билан бир вақтда пайдо бўлади³². Марказий Осиё археологиясида шаҳарлар ва давлатлар ўртасидаги муносабат масаласи етарлича ўрганилмаган. Шаҳар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши масалалари алоҳида илмий муаммолар сифатида ўрганилиб келинган. Бу тарихий методологик жиҳатдан нотўғри, чунки илк шаҳарлар илк давлатларнинг маркази сифатида пайдо бўлади ва уларнинг ривожланиб бориши ҳам ўзаро узвий боғлиқдир.

²⁵ Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, 2007. – Б. 18-19.

²⁶ Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – М., ИА АН России, 1993. – С.42; Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... докт. ист. наук. – М., МГУ, 1989. – С. 40; Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Самарканд: ИА АН РУз, 2009.

²⁷ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., Адолат, 2001. – Б. 55-58.

²⁸ А.А. Асқаров, Т.Ш. Ширинов. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... – С.85.

²⁹ Асқаров А.А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент, Университет, 2007. – Б. 15-24.

³⁰ Ртвеладзе Э.В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т., «Адолат», 2001. – 416 б.

³¹ Эшов Б. Ж. Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масалалари. / Ўзбекистон тарихини ўқитиш муаммолари: тажриба ва истиқболлари илмий-услубий анжумани материаллари. – Т., 2011. – Б. 222-227.

³² Дьяконов И.М, Якобсон В.А. «Номовые государства» ... – С. 3-16.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида «**Окс цивилизацияси хақида умумий тушунчалар**» берилган. Окс цивилизацияси аҳолиси Марказий Осиёда марказлашган динга ³³ (Жарқўтон, Даштли, Тўғолок, Гонур ибодатхоналари), илк шаҳар маданиятига³⁴, энг қадимги шаҳар-давлатларга асос солган³⁵, кулолчилик анъанасини санъат даражасига кўтарган³⁶, металлсозлик Окс цивилизациясининг энг ривожланган соҳаларидан бири бўлган³⁷ ва унинг аҳолиси темирдан фойдаланишни билган³⁸, меъморчилик соҳасида бошқа цивилизация вакилларидан тубдан фарқ қилиб лабиринт тизимли фортификация усулини жорий этишган³⁹. Оксликлар Хараппа, Қадимги Эрон ва Андронов маданиятлари билан бевосита, Сурия, Хетт, Месопотамия билан эса билвосита алоқада бўлган⁴⁰.

Ўрганилаётган цивилизация вакиллари Марказий Осиё халқлари тарихида санъатнинг хайкалтарошлик⁴¹ ва глиптика⁴² соҳаларига ҳам асос солишган.

Иккинчи боб «**Окс цивилизациясининг пайдо бўлиши, етилиши ва ривожланиши жараёнлари**» деб аталади. Унинг биринчи параграфида Окс цивилизациясининг пайдо бўлишида миграцияларнинг ўрни масаласи муҳокама этилган.

XIX аср охири ва XX аср бошларидан бошлаб жамият тараққиётига цивилизациявий ёндашувни қўллаш бошланади. Урбанистлар М.Вебер, А.Тойнби⁴³, О.Шпенглер⁴⁴, Ф.Бродель, Ж.М.Гофф, рус тадқиқотчиларидан Н.Я.Данилевский, К.Леонтьев, П.Сорокин, И.М.Дьяконов⁴⁵, Ю.В.Яковец⁴⁶, ва Л.Н.Гумилевлар ўз асарларида цивилизациявий ривожланиш йўлидан

³³ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 162 с.; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., Наука, 1977. – 184 с.; Сарианиди В.И. Некрополь Гонура и иранское язычество. – М., Мир-медиа, 2001. – 246 с.

³⁴ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы на юге Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 162 с.; Эпов Б.Ж. История формирования и развития раннегородской культуры Средней Азии. Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. – Т., 2008. – С. 42; Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии. // СА. – М., 1967. – №3. – С. 165-190.

³⁵ Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дисс. ... д.и.н. Самарканд, 2009.

³⁶ Массон В.М. Протогородская цивилизация юга Средней Азии. // СА. – М., 1967. – №3. – С. 165-190; Рахманов У. Керамическое производство эпохи бронзы Южного Узбекистана. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Самарканд, ИА АН РУз.ССР, 1987. – С. 19.

³⁷ Рузанов В.В. Еще раз о хронологии Чустской культуры Ферганы. // Российская археология, №4. – М., 1999. – С. 233-239; Kaniuth K., Teufer M. Zur Sequenz des Gräberfeldes von Rannij Tulchar und seiner Bedeutung für die Chronologie des spätbronzezeitlichen Baktrien. // AMIT. Band 33. – Berlin, 2001. – S. 89-115.

³⁸ Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дисс. ... д.и.н. – Самарканд, 2009. – С.14.

³⁹ Сарианиди В.И. Маргунш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашхабад, 2002. – 360 с.

⁴⁰ Щетенко А.Я. О торговых путях эпохи бронзы по материалам Туркменистано-Харапских параллелей. // КСИА. Вып. 122. – М., 1970. – С. 17-21; Сарианиди В.И. Об одной группе культовых изделий Бактрии. // СА №3, 1979. – С. 262-265; Ширинов Т.Ш. Древнейшие торговые пути Средней Азии (III-II тыс. до н.э.). // Формирование и развитие трасс великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. – Т., 1990. – С. 34-39; Ртвеладзе Э.В. Великий шелковый путь. – Т., 1999. – С. 16-18; Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Т., 2005. – С. 197-199.; Аванесова Н. Культурные контакты и генезис торговых трасс Великого Шелкового пути. // Вестник МИЦАИ, выпуск 15, 2012. – С.54-70.

⁴¹ Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности ... – С.34.

⁴² Amiet P. Elam and Baktria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. Roma-Venezia, 1989.

⁴³ Тойнби А. Дж. Постигание истории. – М., 1991. – С. 86-87.

⁴⁴ Шпенглер О. Закат Европы: очерки морфологии мировой истории. Т. I. – М., 1993. – С. 55.

⁴⁵ Дьяконов И.М. Пути истории: От древнейшего человека до наших дней. – М., 1994.

⁴⁶ Яковец Ю.В. История цивилизации. – М., 1997. – С. 44.

боришган. Фанда бир цивилизациянинг туғилиш, тарқалиш, етилиш, инқироз ва ҳалокати тарихий жараён эканлиги ва бу жараёнлардан сўнг ўтиш даври бошланишининг муқаррарлигини, ўтиш даври давомида эса янги мафкуравий ғоялар асосида, ривожланган моддий маданиятнинг пайдо бўлиши натижасида янги цивилизациянинг шаклланиши тарихий жараён эканлиги асосланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XX аср давомида ва XXI аср бошларида Марказий Осиёда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида, бронза даврига оид илгари номаълум бўлган кўплаб археологик маданиятлар кашф этилди⁴⁷. Бу кашфиётлар тарих фани олдига янги масалани, яъни Қадимги Шарқ цивилизацияси тизимида Марказий Осиёнинг тутган ўрнини аниқлаш вазифасини қўймоқда.

Марказий Осиё халқлари маданиятларининг шаклланишида миграция жараёнлари ниҳоятда катта роль ўйнаган ва унинг уч хил характерини кўрсатиш мумкин: биринчиси колонизация характерида бўлиб, тайёр маданиятларнинг Марказий Осиё ҳудудларига кириб келиши билан характерланади; иккинчи кўринишда ташқаридан келган маданиятлар маълум вақтгача маҳаллий маданиятлар билан алоқага кирмаган. Миграциянинг ушбу кўринишида ташқаридан келган маданиятлар маҳаллий халқлар маданиятидан паст даражада бўлганлиги кузатилади; учинчи ҳолатда миграциялар илғор ривожланган цивилизациялар ҳудудидан бошланган, ушбу ҳолда маҳаллий халқ келгиндилар маданиятини қабул қилган ва ассимиляция жараёнлари бошланган⁴⁸. Мил.авв. III минг йиллик охиридан бошлаб Марказий Осиёда ҳар хил маданият соҳибларининг, айниқса индоарийларнинг миграцияси кучаяди⁴⁹.

В.И.Сарианидининг фикрига кўра, милоддан аввалги III минг йиллик охирлари-II минг йилликнинг бошларига келиб Жанубий Ўзбекистон ва Жанубий Туркменистон аҳолиси Месопотамия ва Ҳиндистон билан яқин маданий алоқада бўлишган ва бронза даврида халқларнинг миграцияси жараёнида фаол иштирок этган.

⁴⁷ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993. – 162 с.; Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы Юга Узбекистана. – Т., Фан, 1977. – 231 с.; Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. // МИА. Вып. 118, 1962. – 278 с.; Исаков А.И. Саразм. – Душанбе, 1991. – 328 с.; Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. // ТХАЭЭ, Т.Х. – М., 1977. – С. 217; Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников Андроновской культурной общности. // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 9. – М., 1985. – С. 43-62; Литвинский Б.А. Бронзовый век. // ИТН. Том I. – М., 1963. – С. 56-68; Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». – М., 1972. – 269 с.; Массон В.М. Алтын-Депе. // Труды ЮТАКЭ. Том XVIII. – Л., 1981. – 176 с.; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. // МИА, 1959. – № 73. – 216 с.; Сагдуллаев А.С. Усадьбы Древней Бактрии. – Т., 1987. – 127 с.; Сарианиди В.И. Древние земледельцы Афганистана. – М., Наука, 1977. – 184 с.; Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашхабад, 2002. – 360 с.; Хиберт Ф., Мур К. Новые стратиграфические раскопки в Гонур-депе (север). // Информационный бюллетень МАЙКЦА. Вып.19. 1994. – С.109-119; Хлопин И.Н. Юга-западная Туркмения в эпохе поздней бронзы. – Л., 1983. – 259 с.; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Т., 2000. – 119 с.

⁴⁸ Кузьмина Е.Е. О некоторых археологических аспектах проблемы происхождения индоиранцев. // Переднеазиатский сборник. Древняя и средневековая история и филология. – М., 1986. – С. 175; Титов В.С. К изучению миграций бронзового века. // Археология Старого и Нового Света. – М., 1982. – С. 99-100.

⁴⁹ Кузьмина Е.Е. Арии – путь на юг. – М., – С.Пб., Летний сад, 2009. – 557 с.; Кузьмина, Е.Е. Откуда пришли индоарии?: материальная культура племен андроновской общности и происхождение индоиранцев. / Рос. акад. наук; М-во культуры РФ, Рос. ин-т культурологии. – М., Наука, Вост. лит., 1994. – С. 224.

Окс цивилизацияси иккита тарихий ўлкада Марғиёна ва Бактрия худудларини бирлаштирган, биринчисининг маркази Гонур бўлса, иккинчисиники Жарқўтон илк шаҳарлари ҳисобланади. Иккита марказда ҳам бир хил ҳолат, ибодатхона ва саройларнинг ўрганилиши шаҳар бошқарув тизимида диний ишлар мутасаддилари-мубодлар (коҳинлар) ва ҳукмдорлар бошқарганлиги кузатилади⁵⁰.

Окс цивилизациясининг туғилиши икки илдизи бўлиб, ўқ илдизи Жанубий Туркменистоннинг Копетдоғ ўлкалари, Мурғоб воҳаси ва Жанубий Ўзбекистоннинг Сурхон воҳалари билан боғланади. Попук илдизи эса Қадимги Шарқ шаҳар-давлатлари билан маданий алоқалари натижасидир. Унинг етилиш даври милоддан аввалги III минг йиллик охирлари ва II минг йиллик давомида Жанубий Туркменистон ва Ўзбекистон худудларида кечган. Кульминацион даврида Гонур ва Жарқўтон шаҳарлари шаклланган. Бу цивилизация тарих саҳнасида жамиятдаги ички низолар ва ташқи таъсирлар натижасида ҳалокатга учраган. Бунинг сабабларини Евроосиё минтақасидан кўчманчи халқларнинг Марказий Осиёга кириб келиши ҳолати ва халқлар диффузиясининг содир бўлганлигида деб биламиз.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «**Окс цивилизациясининг маҳаллий илдизлари**» га бағишланган ва унинг учта жихатига эътибор қаратилган. Биринчиси, шу худуддаги олдинги даврларга оид маданиятларнинг моддий маданиятига характеристика берилган бўлса (Олтинтепа, Геоксюр), иккинчи йўли Қадимги Шарқ цивилизациялари моддий маданияти билан таққослаш (Хараппа, Элам, Месопотамия); учинчиси эса Марказий Осиёда ўрганилган, кейинги даврларга оид, моддий ва ёзма манбалар ёрдамида асосланган цивилизациялар билан таққослаш.

Олтинтепа ёдгорлигида Окс цивилизациясига хос бўлган жуда кўплаб анъаналарга асос солинган. Булар шаҳарсозлик (қурилиш услублари, монументал архитектура, муҳофаа иншоотлари), ҳунармандчиликнинг энг асосий йўналиши бўлган кулолчиликда икки ярусли хумдоннинг, сопол чархининг кашф этилиши ўз илдизларига кўра, олтинтепаликларга хос, тоштарошлик ҳунарини санъат даражасига кўтарган халқ олтинтепаликлар ҳисобланади, Олтинтепада шаклланган муҳр яшаш техникаси ва технологияси, уларда ифодаланган тасвирлар Окс глиптикасида тўлиқ қайтарилади.

Окс цивилизациясининг тадқиқотчилари унинг илдизларини ташқаридан излайдилар. Бунинг асосий сабаблари, Окс цивилизацияси фортификациясидаги лабиринт тизим, сопол буюмлар гардишидаги зооморф дасталар, миниатюра шаклли база колонналар, муҳрлардаги ўзгаришлар, хуллас Олтинтепа ва Окс цивилизацияси ёдгорликлари моддий маданиятидаги «номутаносибликлар» тадқиқотчиларга янги цивилизациянинг илдизларини Қадимги Шарқ халқларининг миграциясидан излашларига асос бўлган.

⁵⁰ Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореферат дис.... д.и.н. Самарканд, 2009.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «Окс цивилизацияси ижтимоий характерининг моддий маданиятда ифодаланиши» деб номланган. Окс цивилизацияси фанга энди кириб келмоқда, ammo илгаридан маълум бўлган бирламчи цивилизацияларнинг ижтимоий характери ҳам тадқиқотчилар томонидан тўлиқ очиб берилган эмас⁵¹.

Урбанист олимлар илк цивилизацияларнинг характери асосида уларни турлича номлашган, уларнинг номи шунчалик кўпки, бунинг сабабларидан бири тадқиқотчиларнинг масалага ҳар хил ёндашувлари асосида келиб чиққан⁵². Булар «илк цивилизация», «бирламчи цивилизация», «иккиламчи цивилизация», «протоцивилизация», «шаҳармонанд цивилизация», «цивилизациянинг қадимги ўчоқлари», «цивилизациявий жараёнлар», «кўчманчилар цивилизацияси», «шакллана олмаган цивилизация», «чорвадорлар цивилизацияси», «кўчманчи мегацивилизацияси», «ўрмон цивилизацияси», «ёй цивилизацияси», «омбор цивилизацияси» ва бошқалар

Санаб ўтилган цивилизацияларнинг олититасининг иқтисодиёти деҳқончилик ва хунармандчиликка асосланган, илк шаҳар маданиятига эришган Қадимги Шарқ халқлари учун қўлланган. Рўйхатнинг кейинги каторларидан жой олган атамалар кўчманчи чорвадор халқлар учун характерли бўлса, сўнгги каторларда эсланган атамалар эса цивилизация иборасининг французча маъносидан келиб чиққан.

Окс цивилизацияси, аниқроғи унинг таркибидаги Сополли маданияти учун тадқиқотчилар протоцивилизация, шаҳармонанд цивилизация, илк цивилизация атамаларини қўллашган⁵³.

Окс цивилизацияси учун тадқиқотчилар протоцивилизация, шаҳармонанд цивилизация, илк цивилизация атамаларини⁵⁴, илк давлатлар учун «чифдом», «карликовое»⁵⁵, «воҳа давлатлар», «митти давлатлар»⁵⁶, «ном» типига «шаҳар-давлат» лар⁵⁷ ибораларини, жамоалар учун эса «илк

⁵¹ Тойнби А.Ж. Постигание истории. – М., 1991; Toynbee A. The impact of the Russian Revolution 1917-1967. –London, 1967.

⁵² Васильев Л.С. Протогосударство-чифдом как политическая структура. // Народы Азии и Африки. – М., 1981, №6. – С. 157-175; Гуляев В.И. Города государства Мая. (Структура и функции города в раннеклассовом обществе). – М., 1979. – 219 с.; Зданович Д.Г. Синташтинское общество: социальные основы «квазигородской» культуры Южного Зауралья эпохи средней бронзы. – Челябинск, 1997. – 87 с.; Илопечкин В.П. Теория стадийного развития общества. – М., 1996. – 296 с.; История государственности Узбекистана. – Том I. – Т., Узбекистан, 2009. – 560 с.; Крадин Н.Н. Вождество: современное состояние и проблемы изучения. // Ранние формы политической организации. – М., Восточная литература РАН, 1995. – С. 11-61; Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. – М., 1980, – № 6. – С. 76-82; Массон В.М. Формирование раннеклассового общества и вопросы типологии древних цивилизаций. // Древний Восток и античный мир. – М., МГУ, 1980. – С. 11-41; Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. – Киев, 1989. – 172 с.; Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество; [Общ. ред., сост. и предисл., с. 5-24, А. Ю. Согомонова]. – М., Политиздат, 1992. – 542 с.

⁵³ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, ИА АН РУз, 1993. – 162 с.

⁵⁴ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... 162 с.

⁵⁵ Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии... 162 с.

⁵⁶ Абдуллаев У.И. Историкография древней системы управления и ранней государственности Средней Азии (XX-начала XXI в.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Т., ИИ АН РУз, 2008. – 21 с.

⁵⁷ Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари. Т.ф.д. дисс. Автореферати. ЎЗР ФА АИ. – Самарканд, 2009. – 57 б.

умумлашган жамоа», «умумлашган жамоа», «қишлоқ жамоаси», «патриархал жамоа», «илк синфий жамоа» ибораларини қўллашган⁵⁸.

